O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 15-iyul • Seshanba • 84 (27.889) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Мустақиллик йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб қадриятлар, удум ва анъаналаримиз қайта тикланиб, замон талаблари асосида бойиб бормоқда. Шу билан бирга, маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилмоқда, улар бугун ўзини ўзи бошқариш идораси, ҳақиқий демократия дарсхонаси сифатида кенг кўламли фаолият олиб бормоқда».

Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!

ТАЪЛИМ ВА ТИББИЁТ СОҲАСИ УЧУН ЖИҲОЗЛАР

Кейинги йилларда Ўзбекистонда барча соҳалар бўйича илғор технологиялар жорий этилаётганлиги сабабли маҳсулот сифати ва харидоргирлиги ошмоқда.

Жумладан, Самарқанд шаҳридаги «Стеклопластик» очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган таълим ва тиббиёт муассасалари учун мебель жиҳозлари ҳамда спорт анжомлари истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

— Мамлакатимизда саноатни ривожлантириш, маҳаллийлаштириш дастурини татбиқ этиш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда, — дейди корхона раҳбари Икром Ҳасанов. — Бунинг самарасини корхонамиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Аҳамиятли томони шундаки, хомашёнинг асосий қисмини юртимиздаги ҳамкор корхона ва ташкилотлардан оляпмиз. Бу эса маҳсулот сифати юқори бўлишини ва таннархининг арзонлашувини таъминламоқда.

Шунингдек, жамиятда маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган «Исузи» автобуслари учун олд бампер, панжара ва торпедо каби қисмлар тайёрлаб берилмоқда.

Ёшлар йилида корхона тендер танловлари якунига кўра, 354-мактаб ва 65-касб-ҳунар коллежини мебеллар билан жиҳозлашни ўз зиммасига олди. Бу ерда 31 турдаги спорт анжомлари ва 15 хил тиббий жиҳозлар ҳам тайёрланмоқда. Ҳозиргача маҳсулотларнинг асосий қисми буюртмачиларга етказиб берилди.

Суратларда: корхона таъминот бўлими ишчиси Сарвиноз Ҳамидова ва техник назорат бўлими бошлиғи Надежда Зюбена; ноёб дастгоҳ оператори Равшан Қудратов; корхона бош дизайнери Назира Муйнова ва бош мутахассис Эркин Эндиоминов.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

ЎзХДП ҳаёти

ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРДАГИ МАШҒУЛОТЛАР

чекка ҳудудларда ҳам ташкил этилиши керак

Аввал хабар берганимиздек, шу йил 8-10 июль кунлари пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» меҳмонхонасида ЎзХДП фаоллари учун семинар-тренинглар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда ташкил этган ушбу тадбир «Сиёсий партиялар: ривожланиш жараёнлари» деб номланди. Уч кун давом этган семинар-тренингларда сиёсий куч етакчилари фаолиятида жуда муҳим аҳамият касб этадиган кўплаб мавзулар муҳокама этилди. Қуйида тадбир иштирокчиларидан айримларининг фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола қилаяпмиз.

Атаулла АСАНОВ, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси:

— Биз ахборот асрида яшаяпмиз. Олиб бораётган партиявий-сиёсий ишларимиз ҳам давр талабларига тўла жавоб бериши керак. Бу ерда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти экспертлари, олимлар, мутахассисларнинг маърузаларини тингладик. Электорат билан ишлашни янада такомиллаштиришга хизмат қиладиган кўпгина маълумотлар, янги методлар билан танишдик. Буларнинг барчаси фаолиятимизда янада кўпроқ самарага эришишимизга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Одинахон МАДАМИНОВА, Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши раиси:

— Мавзуларнинг барчаси, аввало биз учун жуда керакли экани билан эътиборимни тортди. Бу семинарда асосан партия етакчилари иштирок этганини эътиборга оладиган бўлсак, айниқса, сиёсий партияларда ташкилий-кадрлар ишларининг умумий принципларига бағишланган мавзу жуда долзарбдир. Чунки кадрлар билан ишлаш сиёсати тўғри олиб борилмаса, умумий мақсадларимизга эришишнинг имкони бўлмайди. Масалан, партия тизимида меҳнат қилаётган ходимларнинг профессиограммасини юритиш ва ҳар бир ходимнинг имкониятларига қараб, салоҳиятини тўғри йўналтириш усуллари ташкилот фаолиятини самарали йўлга қўяман деган ҳар бир раҳбарни қизиқтиради, албатта. Энг асосийси, бу ерда олган билимлар, тўплаган тажрибаларимизни амалиётда қай даражада қўллай олишимизга боғлиқ.

Шерали УМАРОВ, Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши раиси:

— Кўплаб салоҳиятли олимлар билан учрашганимиз ва улар билан фикрлашганимиз, савол-жавоб қилганимиз фаолиятимизга, албатта ижобий таъсир кўрсатади. Мамлакатимизда сайловларни ўтказиш жараёнларида бевосита иштирок этган ва бу борада тажрибали мутахассис, ФЖУИ лойиҳа раҳбари Сайёра Хўжаева, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маърупова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Алия Юнусоваларнинг чиқишларида кўтарилган масалалар партия лидери сифатида бевосита бизнинг ишларимизни янада жонлантиришга қаратилди. Уч кун давомида билдирилган барча фикрлар, савол-жавоблар, маърузалар тўплам ҳолида чоп этилса ва партиямизнинг ҳар бир етакчиси, фаолларига тарқатилса, бунинг самараси янада юқори бўлади, деб ҳисоблайман.

2-бет

Истиқлол имкониятлари

ЭНГ ОБОД МАҲАЛЛА

қиёфасига айрим чизгилар

Худди шундай эътирофга сазовор бўлмоқ учун ҳар йили пойтахтимизда ўнлаб маҳаллалар ўзаро беллашадилар. Албатта, танлов шартлари ҳам осон эмас. Ушбу нуфузли кўрикнинг ўтган йилги ғолиби — БЕРУНИЙ МАЙДОНИ МАҲАЛЛАСИ ҳақида мақола ёзиш ниятида борганимизда, тиниб-тинчимас раиса Хурсаной Давронова шундоқ катта кўча юзидаги 6-уй олдида қурилган соябонли айвончада турган экан.

— Идорамиз маҳалланинг нариги чеккасида, — дея изоҳ берди опа. Сўнг ўзлари йўл бошлади. Шу пайт бизларни кузатиб турган, гапимизни бўлишга ийманиб, сал нарироқда кутиб турган аёл бизга пешвоз чиқди.

2-бет

САҲРОДАГИ МЎЪЖИЗА 2

1997 йилнинг 22 август куни сахрода мўъжиза юз берди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи иш бошлади. Одам юрса оёғи, қуш учса қаноти қуядиган чўлу биёбонда қад ростлаган ва замонавий технология билан жиҳозланган корхона йилига 2,5 миллион тонна нефтни қайта ишлаш қувватига эга эканлиги гўё бир афсона эди.

«КАМАЗ» ТЎХТАТИЛГАНИДА... 3

... Шу йилнинг 20 майи. Тахминан кеч соат саккизлар. «Тўпаланг» йўл-патрул хизмати масканида «КамАЗ-53212» русумли давлат рақами 19 I 38-40 бўлган автоулов тўхтатилади...

АСРЛАР АРДОҒИДАГИ ҚУШ ЧИНОР 4

улардан бири Алпомиш, иккинчиси Барчиной уйи деб аталади

ҲИНДИСТОНДА ЎЗБЕК РАҚСЛАРИ ГУЛДАСТАСИ

Алишер Навоий номидаги Давлат катта академик театри қошидаги «Сабо» миллий рақс ансамбли жамоаси Ҳиндистонга ижодий сафар уюштирди. Тадбир Ҳиндистон маданий алоқалар маркази томонидан Ўзбекистоннинг мазкур мамлакатдаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

— Ўзбекистонлик санъаткорларнинг рақслар гулдастаси ва уларнинг ижро маҳорати бизнинг томошабинларда катта таассурот қолдирди, — дейди Ҳиндистон маданий алоқалар кенгашининг минтақавий директори Т.Ниваргхизи. — Халқларимизнинг маданий ришталари азалийдир. «Сабо» ансамбли намойиш этган бадиий дастур ўзаро дўстлигимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиздир.

«Жаҳон» АА
Дехли

Муносабат

ФАРЗАНДЛАР МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мамлакатимиз Президентининг **«Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида»**ги қарорининг қабул қилиниши санъат соҳасига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

Айтиш мумкинки, ушбу дастур бугунги кунда мусиқа мактаблари учун ўта долзарб бўлган қатор муаммолар ечимини ўзида қамраб олган. Авваламбор болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун 240 миллиард сўм ажратилаётганининг ўзи таҳсинга сазовор. Режага биноан икки типдаги намунавий лойиҳа ишлаб чиқилди. Санъат мактабларининг 1-типи учун 200 ўқувчига ва 2-типи учун 150 ўқувчига мўлжалланган бундай иншоотларга талаб катта. Улар асосан аҳоли зич жойлашган ҳудудларда қурилиши мўлжалланмоқда.

Ажратилган маблағдан шунингдек, мусиқа асбобларини таъмирлаш ва янгиларини сотиб олиш назарда тутилган. Бу масала анчадан буён ўз ечимини тополмаётганди. Чунки асбоб-ускуналар танқислиги туфайли мусиқадан таълим бериш соатларини қисқартиришга ҳам мажбур бўлинган эди. Аслида мусиқа дарси ҳам ўрта мактабларда бошқа фанлар қатори талаб даражасида ўтилиши керак.

Яна бир жиҳати, мусиқадан сабоқ берувчи аксарият ўқитувчилар етти йиллик мусиқа мактабини тугатган ва амалиёт туфайли ўз малакасини оширишга имкони бўлмасди. Ушбу қарорда кўзда тутилганидек, энди улар таълим ва малака ошириш жараёнини узлуксиз олиб бориш имкониятига эга бўлади. Хориждаги мусиқа олий даргоҳлари ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, бизнинг мусиқа мактабимиз истеъдодли ижрочиларни тайёрлаш бўйича дунёдаги энг яхши ўнта таълим маскани сифатида эътироф этилгани ҳам бежиз эмас. Консерваторияда малакасини оширувчи шогирдларимиз мактабимизнинг азалий анъанасини ўзи яшаётган ҳудудда бемалол давом эттиради, жаҳондаги етакчи ижрочилар қаторида юртимиз довруғини дунёга ёяди. Бизда шундай салоҳият бор ва биз бунга тайёрмиз. Яна бир эътиборли томони, мусиқашунослар учун катта синов майдони фестиваль ва кўрик-танловлар эканини унутмаслик керак. Президентимизнинг бизнинг соҳага алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётгани туфайли юртимизда ҳам халқаро миқёсда нуфузли танловлар ташкил этиш имкониятига эга бўламиз.

Қарорда яна бир жиддий муаммо — кадрлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, жойларда ганж, кулолчилик, каштачилик каби ноёб миллий санъат турларини янада кенгайтириш ва ривожлантириш асосий вазифа этиб белгиланган.

Бу муҳим ҳужжатнинг яна бир жиҳати шуки, санъат соҳасини танлаган ҳар бир иқтидор соҳибини ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш назарда тутилган. Бир сўз билан айтганда, ушбу дастур маънавий баркамолликка эришиш йўлида изланаётган юз минглаб болаларимиз манфаати учун хизмат қилади.

Дилдора ЖАМОЛОВА, В. Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи директори.

ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ ЯҚИН

бухоролик 64 та ёш оила Мустақиллик байрамини янги уйларда нишонлайди

Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан Бухорои шарифнинг 5-мавзесида учта шинам уй қад ростлаяпти. Бу қурилишга «Миркулол» хусусий қурилиш-монтаж трести бош пудратчилик қилмоқда.

— Янги уйлар маҳаллий иқлим хусусиятлари ҳисобга олинган лойиҳа асосида бунёд этиляпти, — дейди трест иш юритувчиси Нодиржон Раҳимов. — Хоналарда керакли жиҳозлар билан бирга кондиционер, девор шкафлари, ошхона мебеллари ҳам бўлади. Ҳозир бу ерга вилоят олий ўқув юртларининг таътилга чиққан кўнгилли талабаларидан иборат «Бунёдкор» қурилиш отряди аъзолари ҳам кўмакка келишди. Барпо этилаётган Ёшлар шаҳарчасидан болалар учун ўйин ва спорт майдончалари, югуриш йўлаклари, шинам хиёбон ҳам ўрин олади.

(Ўз мухбиримиз)

Ёз — 2008

ТАЪТИЛ МАЗМУНЛИ ЎТМОҚДА

Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ва уларнинг фарзандлари давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида. Жумладан, бу йил Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва унинг қошидаги вояга етмаганлар комиссияси томонидан кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари таътил пайтида мазмунли дам олишлари учун барча зарур ишлар амалга оширилди. Шунингдек, республиканинг турли ҳудудларида жойлашган академик лицейларининг жами 600 нафар ўқувчиси ёзги таътил пайтида оромгоҳларда дам олиб, мароқли ҳордиқ чиқардилар.

Оромгоҳларда ўқувчиларнинг дам олиш билан бирга, даволанишлари учун ҳам барча шарт-шароитлар яратилди. Республика Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорликда ишлаб чиқилган дастур асосида «Ҳурлиман» ансамбли, эстрада юлдузлари, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ижодий жамоалари иштирокида концертлар ташкил этилди. Ҳар хил қизиқарли ўйинлар, спорт мусобақалари ташкил этилди.

Ўлкашунослик, санъат музейлари, Нукус шаҳридаги «Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинлари бўлиб ўтган жойларга экскурсиялар уюштирилди. Спорт ўйинлари иштирокчилари билан учрашувлар бўлиб, унда ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензиялан

ЎзХДП ҳаёти

ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРДАГИ МАШҒУЛОТЛАР

чекка ҳудудларда ҳам ташкил этилиши керак

(Давоми. Боши 1-бетда)

Алишер ТОШМАТОВ, Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси:

— Партиямиз Марказий Кенгаши раиси Латиф Ғуломов ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори Маъруф Усмоновлар худди шундай машғулотларни бевосита жойларнинг ўзида ташкил этиш фикрини билдирдилар. Маҳаллий даражада ҳам юксак савияли тадбирлар, энг асосийси, партия ходимларининг профессионал маҳоратини ошириш учун фойдали тренингларни ўтказиш нафақат сиёсий партиялар фаолиятини жонлантириш, балки фуқаролик жамияти қурилишини янада тезлаштиришга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Рашид МУРТОЗОЕВ, Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси:

— Мен жамоатчилик билан алоқалар (PR) ҳақида кўп эшитганман. Лекин унинг асосий мақсади, моҳиятини етарлича билмас эканман. Тренинглар давомида айнан ана шу мавзуга бағишланган машғулотлар бўлиб ўтди. Англаб етдимки, жамоатчилик билан алоқа қилиш, унинг турли усулларидан самарали фойдаланиш сиёсий партия учун жуда муҳим экан. Айниқса, сайловлар арафасида партия жамоатчилик билан қанчалик яқин алоқада бўлса, унинг фикри, истакларини инобатга олиб фаолият кўрсатса, муваффақиятга эришишнинг имкониятлари ҳам шунчалик кенгаяр экан. Назаримда, жамоатчилик билан алоқалар мавзусида яна алоҳида машғулотлар ташкил қилинса, маҳаллий партия ташкилотлари ходимлари ҳам ўқитилса, бу партиявий фаолиятимизни янада жонлантиришга хизмат қилади.

Беҳзод ШУКУРОВ ёзиб олди.
Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

эзгу ниятларни рўёбга чиқармоқдамиз, дейди тошлоқлик ёшлар

Депутатлик гуруҳлари сиёсий партиянинг ғояларини амалга оширадиган асосий кучлардан ҳисобланади. Ўз дастурида белгиланган масалаларни амалга оширишда партия бевосита гуруҳларга таянади.

Халқ депутатлари Тошлоқ туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи «Ёшлар йили» Давлат дастурининг моҳияти ва вазифаларини аҳоли ўртасида тушунтириш, жойларда ёшлар муаммоларини ҳал этиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқи ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор тадбирларни амалга оширмоқда. ЎзХДП туман кенгаши ташаббуси билан мунтазам равишда ёшлар орасида очиқ мулоқотлар ўтказиб келинмоқда.

2008 йилнинг биринчи ярмида туманда ёшлар билан 9 маротаба давра суҳбати, 3 маротаба фаоллар билан учрашувлар ташкил қилинди. Туман Кенгаши депутати, Ўзбекистон Қаҳрамони К. Мамажонов, депутатлар М.Мўминова, А.Мамажонов, М.Мирзалиевалар учрашувларда фаол қатнашдилар. Туман партия кенгаши ёшларни фуқаролик маърифати тизимидаги семинарларда бўлиб ўтаётган мунозара баҳсларга, Ахборот-ресурс маркази фаолиятига кенг жалб қилаяпти. Ёш фаолларни аниқлаб, улар орасидан келгусида партия ташкилотларида фаолият кўрсатадиган кадрларни танлаш, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий билимини ошириш тадбирлари депутатлик гуруҳи билан ҳамкорликда изчил олиб бориляпти. «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари ҳам шу соҳада дадил ташаббуслар билан чиқмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракати туфайли бокс бўйича Ўзбекистон чемпиони Рустам Алижонов, Турон якка кураши бўйича мамлакат чемпиони Мухлиса Қодирова, қўл жанги бўйича халқаро турнир ғолиби Арофат Эрматовалар билан Қўрғонча, Садда, Ҳамрак қишлоқ фуқаролар йиғинларида учрашувлар ўтказилдики, бу ёшларда унутилмас таассурот қолдирди.

— Туман Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи ёшларга амалий ёрдам беришни изчил йўлга қўйган, — дейди депутатлик гуруҳи раҳбари Абдураҳим Мамажонов. — Масалан, гуруҳ аъзолари шартнома асосида таҳсил олаётган ёшларнинг тўлов бадалларини таълим кредити орқали тўлашга амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Бу эса талаба ёшларга катта қулайлик яратди. Ёшларнинг пухта билим олиши, етук мутахассис бўлиб етишишлари борасида ҳам кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Туманимизда 430 нафар йигит-қиз «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Элмурод Бакиров. — Ёшлар ҳаётида учраётган ижтимоий муаммоларни ҳал этишда бевосита депутатлик гуруҳи билан биргаликда ишлаяпмиз. Кейинги пайтда туман миқёсида ечимини топиш мумкин бўлган кўплаб масалалар юзасидан таклифларимиз депутатлик гуруҳи орқали туман Кенгаши сессияларида муҳокама қилиниб, ҳал этилди. Бу — фаолиятимизни жонлантирмоқда, ишларимиз амалий тус олмоқда. Энг муҳими, одамларнинг бир-бирига меҳр-оқибатини кучайтирмоқда, партиямиз нуфузини оширмоқда.

Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Мустақилликка эришганимиздан сўнг биз бор куч ва имкониятларимизни сарфлаб, жуда катта ва ноёб бир ишлаб чиқариш мажмуасини, яъни Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини барпо этдик... Бу корхонанинг ишга туширилиши мамлакатимизнинг ёқилғи-энергетика мустақиллигига эришиш йўлида ҳеч шубҳасиз, том маънода тарихий қадам бўлди...»

Ислом КАРИМОВ

САҲРОДАГИ МЎЪЖИЗА

Бундан ўн етти йил муқаддам Юртбошимиз биринчи сентябрни Ватанимиз мустақиллиги куни деб эълон қилганидан сўнг халқимизнинг тарихий орзуси ушалди, дунё ҳамжамияти Марказий Осиё минтақасида бой тарих ва маданий меросга эга келажаги буюк бир давлат кашф этилди. Президентимиз томонидан миллий иқтисодиётимизни шакллантиришга қаратилган сиёсат ишлаб чиқилди. Шунга мувофиқ 1993 йилда Қоровулбозорда нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши бошлаб юборилди. Лойиҳа қиймати 500 миллион АҚШ долларига тенг бу улкан корхонани барпо этишда бутун мамлакат қатнашгани юртимизда яшаётган барча миллат вакиллари иноқлигига далил.

— Қурилишда бош пудратчи ташкилотга раҳбарлик қилардим, — дея эслайди собиқ «Бухоронефтзаводқурилиш» ҳиссадорлик жамияти раиси Анвар Рўзиев. — Ўшанда нафақат вилоятимиз, балки республикамизнинг турли ҳудудларидан кўплаб қурилиш ташкилотлари, юзлаб қудратли техникалар ишга солинди. Меҳнат бозорида ғолиб чиққан Туркиянинг «Гама» компанияси бинокорлари, Франциянинг «Тепкик», «Японияннг «Марубени» ва «Жей-Си-Си» компаниялари иштирокида лойиҳанинг технологик қисмини амалга оширишда ўзаро ҳамжиҳатлик яққол кўзга ташланиб турди. Натижада корхонанинг технологик лойиҳа қисми 16-17 ой ичидаёқ ниҳоясига етди.

1997 йилнинг 22 август куни саҳрода мўъжиза юз берди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи иш бошлади. Одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куядиган чўлу биёбонда қад ростлаган ва замонавий технология билан жиҳозланган корхона йилига 2,5 миллион тонна нефтни қайта ишлаш қувватига эга эканлиги гўё бир афсона эди. Аммо у бунёдкор ўзбек халқи куч-қудрати ва салоҳияти билан мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ дунёни лол қолдиргани айни ҳақиқат бўлди.

— Умрим бино бўлиб бундай улкан иншоотнинг қисқа вақт ичида, айниқса, сувсиз саҳрода бунёд этилганини кўрган эмасдим, — дейди меҳнат фахрийси Ибодулла Нурманов. — Бу мустақилликнинг халқимизга берган чексиз имконияти меваси ва унинг нақадар буюк қудратга эгалигидан далолат. Ҳозир минглаб қоровулбозорлик ёшлар бу ерда фахр билан меҳнат қилишяпти...

Дарвоқе, корхона ишга тушгандан буён орадан салкам ўн бир йил ўтяпти. Ана шу давр ичида у мамлакат ёқилғи мустақиллигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшди. Мутахассислар фикрича, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган бензиннинг қарийб 46, авиакеросиннинг 32,1, дизель ёнилғисининг 25,1, мазутнинг 35,8 фоизи мазкур корхона ҳиссасига тўғри келар экан. Қарийб икки минг киши меҳнат қилаётган корхонада катта малакага эга бўлган ишчи ҳамда мутахассислар учун барча шарт-шароитлар муҳайё.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Қизилқум саҳросида завод билан бир қаторда нефтчилар шаҳарчаси ҳам қад ростлади. 700 дан зиёд замонавий коттеж, мактаб, маданият ва ёшлар саройи, касалхона, поликлиника, спорт-соғломлаштириш мажмуаси ҳамда қатор маданий-маиший иншоотлар қуриш кўзда тутилган. Шаҳарчада ҳар куни бир янгилик, шодиёнанинг гувоҳи бўлишингиз аниқ. Кейинги тўрт йилда бу ерда юздан зиёд барча қулайликларга эга шинам уй-жойлар нефтчилар ихтиёрига берилди. Ҳозир шундай уйлар сони беш юзтага яқинлашиб қолди.

Биргина шу йилнинг ўзида қиймати 3,2 миллиард сўмлик спорт соғломлаштириш мажмуаси қурилиб, ёшларга туҳфа этилди. «Ўзмеъморқурилишлойиҳа» очиқ акциядорлик жамияти мутахассислари томонидан лойиҳалаштирилган мажмуа худди узукка кўз қўйгандек, илгари қурилган маданият саройи ва катта хиёбонга ярашиб тушди. Универсал спорт зали, жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб берадиган сузиш бассейни, барча зарур спорт анжомлари билан жиҳозлантирилган атлетика, бадиий ва ритмик гимнастика, баскетбол, волейбол, бадминтон, тринажёр хоналарида ҳар куни машғулотлар мунтазам ўтказилади.

Хуллас, нефтчилар шаҳарчасида бунёдкорлик кўлами янада кенгайиб бормоқда. Эрта-индин яна ўнлаб ёш оилалар янги уй-жойларга кўчиб ўтадилар, ижтимоий объектларда ишлар ниҳоясига етади. Ўтмишда Буюк ипак йўлининг кичик халқасида жойлашган Қоровулбозорни чўл деганлар энди адашади. Марказий Осиёда ягона бўлган нефтни қайта ишлаш корхонаси ва унда ишлаётган фидойилар бу масканни жаҳонга танитмоқдалар. Ҳали бу ерда дунёни лол қолдирадиган мўъжизалар яна содир бўлади...

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: нефтчилар шаҳарчасидан лавҳалар

Истиқлол имкониятлари

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Келинг, Озодахон, — дея опа у билан саломлашиб, бизгаям таништирди.

— Хурсаной опанинг таклифи билан «Ипотека банк»дан кичик бизнесни ривожлантириш учун бериладиган кам фоизли кредит олиб, ана шу новвойхонани қуриб, хизмат кўрсата бошлаганимизга икки йил бўлиб қолди, — деди Озода Ҳайитбоева. — Бу орада кредитдан ҳам қутилдим, ишимни ҳам кенгайтирдим — маҳалла ҳудудида кичкинагина бозорча очдик. Шошилинч пайтларда уйининг шундоқ олдидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш имконига эга бўлган маҳалладошларим ҳам хурсанд, биз ҳам рўзғоримизни бут қилиш учун озми-кўпми даромад оляпмиз. Турмуш ўртоғим, фарзандларим билан бирга ишлаймиз. Ҳалол меҳнат туфайли дастурхонимиз тўкин, энди янги уй ташвишини қиляпмиз — ўғлимнинг бўйи етиб қолди. Ҳозир эса тиббиёт коллежидан келяпмиз — қизим ҳужжатларини топширди. Эринмай, бир-бир айланиб, коллежнинг шарт-шароитларини кўриб чиқдим, ўқитувчилар билан суҳбатлашдим. Очиғи ҳавасим келди, қизим ҳам шу ерда ўқийман деяпти, кейинчалик олий маълумот олиб, шифокор бўлиш ниятида...

Биз гаплашиб турган айвон иккинчи идорага айланган шекилли, опанинг ҳали-бери бўшашига кўзимиз етмади, чунки у билан гаплашиш учун яна бир неча киши навбат пойлаб турарди. Улардан бири — маҳалла ҳудудидаги 243-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Земфира Юнусовани секин гапга солдик. Ўқувчиларини музейга олиб бориш ҳаракатида экан, шу ҳақда маслаҳатлашишга келибди.

— Маҳалла билан мактаб ўртасидаги алоқа тарбияда қанчалик самара беришини шу маҳалла фаолиятида яққол кўраман, — деди у. — Маҳалла фаоллари мактабимиздаги барча тадбирларда қатнашадилар, бу ердаги маданий-тарбиявий тадбирлар эса мактабимиз ўқитувчилари иштирокисиз ўтмайди.

Раиса опани ўз қабулига келганлар билан холи қолдирдик-да, атрофга кўз югуртирдик. Туш пайти яқинлашяпти, одатда бу вақтда кўп қаватли уйлар атрофи жим-жит бўлади. Бу ерда эса ҳақиқий ўзбек маҳалласининг нафаси уфуриб турибди: атроф гавжум, уйлар атрофини супураётган, гулзорни бегона ўтлардан тозалаётган, йўлакларни ювиб-артаётган ўсмир йигит-қизларни учратасиз.

5-«А» уй олдини супураётган келинчакни гапга тутдик.

— Бу маҳаллага кўчиб келганимизга бир йил бўляпти, — деди ўзини Нигора Аҳмедова деб таништирган аёл. — Тўғрисини айтсам, шу ҳудуддан уй олиш учун уч йил кутдик — озодалиги, чиғфига нақшин панжара ўраб, ўртасига стол қўйилган гир айлана ўтирғичлар уч тарафи кўп қаватли уйлар билан ўралган майдончага файз бағишлаб турибди.

— Мана шуларни маҳалла аҳли ҳашар йўли билан қилган, — деди Хурсаной опа. — Кимдир қурилиш ашёси билан ёрдам берди, кимдир ҳунари билан... Айни ёз оқшомларида бу ер жуда гавжум бўлади — атроф болаларнинг шовқини, ўйин-кулгусига тўлади. Оналар эса мана шу айвончада дилдан гурунглашади. Аёлларнинг гап мавзуини биласиз — ким қишга қанча мураббо бекитди, янги тиктирилган кўйлак фасони... ва албатта тўйлар ҳақида... «Тўй дафтарим»да йигирмага яқин тўй ёзилган. Мен яшайдиган 6-уйда кетма-кет икки қиз узатилади. Бу рўйхат шунчаки тузилган эмас — маҳалладошлар билан тадбирни изоҳ берди Хурсаной опа.

ЭНГ ОБОД МАҲАЛЛА

қиёфасига айрим чизгилар

Рўпарамиздан чиққан йигитнинг салом-аликдан кейинги гапи худди суҳбатимиз давомидек бўлди.

— Тўй куни аниқ бўлди, опажон. Ўзингиз бош-қош бўласизда...

— Бу йигитча лифтёримиз Абдулла, маҳалламизда яшайди, — га бажону дил ёрдам бердик.

3-уй олдида суҳбат қуриб ўтирган онахонлар даврасига йўналдик.

— Дуога қўл очганимда Аллоҳдан энг аввало элнинг, кейин фарзандларимнинг тинчлик-фаровонлигини сўрайман, — дейди 70 ёшли Ойниса ая. — Эл тинч, фаровон бўлса, менинг оилам тинч фаровон бўлади-да...

Онахон гап орасида ёнгиналаридаги ўйин майдончасида ўйнаётган, кичкинагина зоопаркдаги ҳайвон-қушларни томоша қилаётган болалар орасидаги шўҳроқларига танбеҳ бериб ҳам қўяди: «арғамчини қаттиқ учирма, сингглинг йиқилади», «япон хўрозига яқин борма, у жаҳлдор...» Зоопаркка қизиқдик. Оддий қуён, ўрдакдан тортиб, япон хўрози, африка қуши, тўтиқушгача бор экан.

— Ўғлим Абдуллажон ўз қўли билан қилган бу ишларни, — дейди Ойниса ая фахр билан. — Фақат қўшни уйлардамас, ёнимиздаги маҳаллалардан ҳам болалар келиб томоша қилиб кетишади.

Даврадаги онахонлар айтишдики, аяни фақат ўзининг набираларигина эмас, бутун уйнинг болалари «катта ойи» деб чақиришаркан.

«Катта ойи» қисқагина суҳбатимиз давомида ҳазрат Навоийдан байт ўқиб ҳам қолдилар: «Одами эрсанг демагил одами, ониким халқ ғамидин йўқ ғами»... Ая улуғ бобомизнинг бу ўгитини фақат ўз фарзандларининг эмас, балки маҳалла фарзандлари юрагига ҳам сингдираётгани шубҳасиз...

— Идорамиз мана бу уйда жойлашган, — дедилар Хурсаной опа. — Қани, марҳамат...

Беруний майдони маҳалласи унча катта эмас — 13 та кўп қаватли уй, 1100 хонадон, 4300 аҳолидан иборат. Унинг у четидан бу четигача бориш — ҳозиргина биз босиб ўтган йўл учун беш дақиқа, борингки, секинроқ юрсангиз ўн дақиқа вақт кетар. Биз эса бу йўлга икки соатдан ошиқ вақт сарфлабмиз. Шу вақт давомида кўрган манзараларимиз кўзларимизни қувонтирди.

Дарвоқе, Хурсаной опа яна бир қизиқ гапни ҳам айтиб бердилар. Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган асфальтга расм чизиш бўйича туман танловига номзодлар танлаб олиш учун ўтказилган мусобақада болаларга улар учун шаҳардаги энг қадрдон маскан мавзуида ижод қилишлари тавсия этилган.

— Болаларимизнинг кўпчилиги ниманинг расмини чизганини айтайми? — дея опа ҳаяжон аралаш сўрайди.

Уларнинг аксарияти «Менинг маҳаллам» мавзуида расм чизишибди. Мана, суратлардаги манзаралар: кўркам иморатлар атрофида гуллар барқ уриб очилиб ётибди, кўкда қўёш чарақлаб турибди, болалар шодон қувлашмачоқ ўйнашяпти, келинчак уй атрофини супуряпти, икки қўшни эрта билан ишга отланаётиб, хушмуомалалик билан саломлашяпти...

Тўғри, жажжи қўллар чизган бу расмлар унчалик ўхшамаган бўлиши мумкин. Аммо, Беруний майдони маҳалласида аҳил яшаётган турли миллат вакилларининг фарзандлари қалбида маҳалла бу — аҳиллик, ободлик, бир-бировни қўллаб-қувватлаш маскани эканлиги ҳақидаги тушунчалар уйғонгани аниқ...

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: маҳалла ҳаётидан лавҳалар.
Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

БУХОРО ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

РОМИТАН ТУМАНИДАГИ 1-СОНЛИ МАКТАБНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ.

Буюртмачининг бошланғич нархи — 67 993,16 сўм.
Қурилиш ишларини бажариш муддати — 1 август 2008 й.
Қурилиш ишлари бюджетдан ташқари Мактаб жамғармаси фонди ҳисобидан молиялаштирилади.
Буюртмачи: Бухоро вилояти халқ таълими бошқармаси.
Манзили: Бухоро шаҳар, Афросиёб кўчаси, 8. Тел: 224-32-62, 224-33-55, 224-30-24, 224-30-83.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: устав сармояси миқдори, танлов савдолари предметининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағларга ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларни жорий таъмирлаш бўйича камида 2 йиллик иш тажрибаси ва қўникмаларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга ҳамда ўзаро ишончга, шунингдек, етарли ишчи кучи захираларига эга бўлишлари лозим.

Қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки хатлаб қуйилган талабгорлар ва таъсис ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклидаги ва бошқа шакларда ифодаланган бир-бирига бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотларнинг танлов савдоларида қатнашиши тақиқланади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳар, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўплами (комплект) қиймати — олтмиш минг сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари очилиш куни ва соатида қабул қилиниб, танлов қатнашчилари ва оферентлар иштирокида очилади.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзил: ***Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хонада соат 10.00 да бўлиб ўтади.***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 15 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	1272,20	1 Польша злотийси	642,11
1 Англия фунт стерлинги	2608,62	1 СДР	2141,58
1 Дания кронаси	280,09	1 Туркия лираси	1076,50
1 БАА дирхами	357,62	1 Швейцария франки	1289,46
1 АҚШ доллари	1313,44	1 ЕВРО	2089,16
1 Миср фунти	247,82	10 Жанубий Корея вони	13,07
1 Исландия кронаси	17,03	10 Япония иенаси	123,41
1 Канада доллари	1301,85	1 Россия рубли	56,20
1 Хитой юани	192,31	1 Украина гривнаси	271,28
1 Малайзия рингити	406,07		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЛОТИН АМЕРИКАСИГА ТАШРИФ

Душанба куни Литва президенти Валдас Адамкуснинг Лотин Америкасига ташрифи бошланди, деб хабар беради РИА Новости. 14-25 июль кунлари президентнинг Бразилия, Аргентина, Уругвай ва Чилига расмий сафари режалаштирилган. Бразилияда Адамкус президент Луис Инасиу Лула да Силва билан учрашиб, мазкур мамлакатга визасиз киришчиқиш масаласини муҳокама этади. Ҳар тўрттала давлатда икки томонлама алоқаларни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади.



НЕФТЬ НАРХИ КЎТАРИЛАДИ, АГАР...

Венесуэла президенти Уго Чавес бир барелл нефтнинг нархи 300 долларга етиши мумкин, деган фикрни айтди. Lenta.ruнинг хабар беришича, Exxon Mobil компанияси Венесуэланинг хориж банкларидаги активларини музлатишни тўхтатмаса, нефть нархи ошиб кетади. Шу йил февраль ойида компания Венесуэланинг Petroleos de Venezuela корпорацияси ҳисоб рақамидаги 12 миллиард доллар маблағни музлатиб қўйганди. Олий суд қарори билан қўйилмаларни музлатиш бекор қилинди. «Агар улар активларни музлатиб қўйса, биз нефтни АҚШга экспорт қилишни тўхтатамиз. Шунда нефть нархи 300 долларга кўтарилади»,— деди Чавес. Унинг фикрича, нефтнинг ҳозирги нархи «сунъий оширилган» нархдир. Нарх атайлаб кўтарилмаса, бир барелл нефть 70 доллар баҳоланиши мумкин. 11 июль куни нефтнинг халқаро биржадаги нархи 145,85-146,4 долларни ташкил этди. Тахминларга кўра, ойнинг охирига бориб, бу кўрсаткич 200 долларга етади.

ПЕКИН МЕТРОСИДА ХАВФСИЗЛИК

Июнь ойининг охири, июль бошларида Хитой полицияси Пекин метросига қурол олиб киришга уринган 39 нафар кишини қўлга олди, деб хабар беради Синьхуа. Олимпиада — 2008 арафасида, 29 июндан бошлаб, пойтахтда хавфсизлик чоралари кучайтирилган. Ўшандан бери икки миллиондан ортиқ йўловчиларнинг юклари текширилган, жумладан, 3,4 мингта олиб юриш тақиқланган нарса — қурол, заҳарли ва ўт олувчи модда олиб қўйилган. Айтиш керакки, метронинг аксарият бекатларида бомбани зарарсизлантирувчи мосламалар ўрнатилган. Пекин метроси 140 километрдан иборат бешта йўналишга эга.

ЯНГИ ҚУРОЛ ТУРИ

АҚШнинг Sierra Nevada Corporation компанияси Пентагоннинг буюртмаси билан махсус нурланиш орқали инсон миясига таъсир кўрсатадиган қурол яратмоқда, деб хабар беради РИА Новости. Янги тизим «МЕДУЗА« деб номланади ва у 2003 йилдан яратила бошланган. Махсус нурланиш ўлимга олиб келмай, кар қилувчи товушдек инсон ўзини ёмон ҳис қилишига сабаб бўлади. Бундан мақсад — одамларнинг ман этилган ҳудудга кириши ёки ножўя иш қилишидан тўхтатишдир. Товуш қулоқ орқали мияга микротўлқин тарзида кириб боради. Мазкур қуролдан полициячилар намойишчиларни тарқатишда фойдаланиши мумкин.

366 БЕТЛИК ЙЎРИҚНОМА

Буюк Британиянинг болалар масаласи бўйича миллий бошқармаси (National Children's Bureau) болалар боғчасида ирқчиликка қарши курашишга бағишланган 366 бетлик йўриқномани чоп этди, деб хабар беради The Telegraph. «Кичик болалар ва ирқий адолат» деб номланган ҳужжат ирқчиликнинг ўта хавфли кўринишларини мактабгача ёшдаги болалар орасида бартараф этишни кўзда тутади. «Бирорта ҳам ирқчилик кўриниши эътибордан четда қолиши керак эмас», дейилади ҳужжатда. Акс ҳолда, болалар буни табиий ҳол деб қабул қилади.

Қинғир иш — келтирар ташвиш

«КамАЗ» ТЎХТАТИЛГАНИДА...

... Шу йилнинг 20 майи. Тахминан кеч соат саккизлар. «Тўпаланг» йўл-патрул хизмати масканида «КамАЗ-53212» русумли, давлат рақами 19 I 38-40 бўлган автоулов тўхтатилади. Сариосиёлик ҳайдовчи Ражабали Ёров ва унинг шериги Бахтиёр Саматовларнинг безовталиги ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларини ҳушёр торттирди. «КамАЗ» туман ички ишлар бўлимига келтириб текширилганда, унинг кабина қисмида жойлаштирилган, оқ полиэтлен халтага солинган бир дона «ИЖ-16» русумли, 16 колибрли, бир стволли «КН-48319» рақамли ўқотар қурол, 26 дона гильза ва 230 дона патрон пистонлари ҳамда 1 кило қўрғошин борлиги аниқланди.

Сурхондарё вилоят ЭКБнинг 2008 йил 21 майдаги хулосасига кўра, 1951 йилда ишлаб чиқарилган ушбу ўқотар қурол техник соз ва отишга яроқли. 26 дона гильза эса яроқсиз. 230 дона патрон пистонлари (1000 гр) жанговар ҳолда бўлган 3 миллиграммдаги қўрғошин шариклар қўлбола усулда тайёрланган экан.

Мазкур иш юзасидан айни кунларда тергов ва суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

Хусусий тадбиркорлар диққатига!

INDIA MINITEH-2008
KO'RGAZMASI

12-16 iyul
O'zExpoMarkaz
Manzil: Toshkent sh., A.Temur, 107

Ish vaqti:
12 iyul 12.00-17.30
13-15 iyul 10.00-17.30
16 iyul 10.00-15.00

Tashkilotchilar:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TIAISV
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MONOPOLIYADAN CHIQARISH DAVLAT QO'MITASI
O'ZBEKISTON SAVDO-SANOAT PALATASI
NSIC
HINDISTON ELCHIXONASI

Кўргазмада Ҳиндистоннинг 50 дан зиёд компаниялари кичик бизнесга янги, шинам, иқтисодий ва арзон минитехнологиялар, шунингдек, озиқ-овқат, текстиль маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун илғор тадқиқотларни тақдим этади.

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Газдевайс» ЁАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
- буғ қозонлари (соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.
Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.

Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:
1. Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторида жойлашган 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 233-44-73.
2. Тошкент ш., Т. Шевченко кўчаси, 34-уй, чап қатордаги 3-дўкон. Мўлжал: Perfectum mobile. Тел.: 252-20-73.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Андижон шаҳар, А.Юлдашев кўчасида жойлашган, вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБга қарашли бўлган «Аниқ яшаш жойига ва машғулот турига эга бўлмаган шахсларни реабилитация этиш маркази» қурилиши.

Буюртмачи: Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси. (Андижон ш. Навоий шоҳ кўчаси, 26-уй)

Қурилиш ишларини молиялаштириш: Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:

Андижон ш. Б.Ҳакимов кўчаси, 14 а-уй, тел/факс: 224-72-79.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати, танлов савдолари матбуотда чоп этилдан бошлаб 30 кундан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Иқтисод ва ислоҳот

Маълумки, Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан мамлакатимиз иқтисодиётида олиб борилаётган туб ислоҳотлар натижасида барча соҳаларда катта ўзгаришлар юз бермоқда. Кичик ва ўрта бизнесга эътибор, янги корхоналарнинг ташкил этилиши, ишлаб чиқаришнинг такомиллашуви охир оқибат халқимиз турмуш даражасининг кўтарилишига олиб келмоқда. Энг муҳими, кечагина нима юмуш қилишни билмай юрган ташаббускор кишилар истиқлол берган катта имкониятлар туфайли бугун рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан машғул, «Ўзбекистон» тамғаси остида хорижга турли туман товарларни экспорт ҳам қилаяпти. Албатта, бу жараёнлар силсиласида республикамиздаги етакчи молиявий муассасаларидан бири саналган «Халқ банки»нинг хизматини алоҳида эътироф этиш жоиз.

«ХАЛҚ БАНКИ»: БУГУН ВА ЭРТАГА

- **Ислоҳот — тараққиёт гарови.**
- **Микрокредит: ўзи кичигу самараси беқиёс.**
- **Рақобат изланиш, янгиликка интилиш демакдир.**

BANK
XALQ BANKI

Жорий йилнинг биринчи ярмида банк муассасалари томонидан ислоҳотларни чуқурлаштириш, банклар капиталлашувини кучайтириш, пул муомаласини барқарорлаштириш, миллий валюта қадрини кўтариш, сервис хизматларини ривожлантириш борасида Президентимиз ва ҳукуматимиз қарорларига таянган ҳолда бир қатор аниқ ва мақсадли тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг шу йил 11 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларига кўра, банкнинг жами капитали йил бошига нисбатан қарийб икки баробарга ортиб, 54,7 миллиард сўмни ташкил этди. Жами активлар 187,9 миллиард сўмга ёки 165,4 фоизга ортиб, 475,2 миллиард сўмга етказилди. Даромад келтирувчи активлар 181,1 миллиард сўмга ёки ўтган йилга нисбатан 184,9 фоизга ортиб, 398,7 миллиард сўмга етказилди. Бу рақамлар ортида банкимизнинг ўз ишига сидқидилдан ёндашувчи, тажрибали мутахассисларидан тортиб, эндигина иш бошлаган ёшларнинг меҳнатлари ҳам ётибди. Бугун банк билан бирга ҳамнафас, ишхонасини қутлуғ даргоҳ деб билган раҳбару мутахассис борки, «Халқ банки»нинг том маънода одамлар орасига кириб бориши, оила банкига айланишига астойдил интилаяпти. Шу жараёнда банк ходимларининг касбий маҳоратлари ошиб бораётганини, шахсий қобилиятлари яққол намоён бўлаётганини эътироф этмоқ керак.

Ҳисобот даврида банк томонидан иқтисодиётнинг реал сектори, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ва истеъмол бозорини кредитлаш, молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада шу мақсадлар учун ажратилган кредитлар ҳажми 152,2 миллиард сўмни ташкил этди. 33,6 миллиард сўм инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилди. 1 июль ҳолатига банкнинг кредитлар портфели жами йил бошига нисбатан 110,3 миллиард сўмга ортиб, 231 миллиард сўмга етказилди. Банкка бизнес-режасини пишиқ пухта тузиб мурожаат қилаётган тадбикору мулкдор борки, ноумид кетаётгани йўқ... Ғайратли ва билимдон кишиларга тезкорлик билан амалий кўмак бериш банкнинг ўзига ҳам катта наф келтираяпти. Шу боис кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига йил бошидан буён 32,9 миллиард сўм кредитлар ажратилди ва ушбу кредитлар натижасида 6 мингдан ортиқ қўшимча иш ўринлари яратилди. Бу жараён, яъни ташаббус билан янги иш жойларини ташкил этишни кўзлаётган кишиларни қўллаб-қувватлаш келгусида кўпроқ амалга оширилади. Чунки берилган кредитларнинг мақсадли ва самарали ишлатилаётгани қарзларнинг ўз вақтида фойдаси билан қайтишига, банк капиталининг ошиши, кредит бериш қобилиятининг ортишига олиб келмоқда. Бу эса янгидан янги имкониятлар демакдир.

Банк қишлоқда асосий маҳсулот етиштирувчи куч саналган ер эгалари, мулкдорлару фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор беряпти. Шу йилнинг ўзида 1,6 млрд. сўм миқдоридаги кредитлар кўчат, мева-сабзавот уруғлари, картошка уруғи ва наслли қорамол сотиб олиш учун берилди. Тадбиркор аёлларга кўмак бериш масаласи ҳам банкнинг асосий вазифаси ва режаларидан бири ҳисобланади. Асосан аёллар меҳнатидан фойдаланиб, иш юритаётган тадбиркорлар ва ишбилармон аёллар бош бўлган турли корхона ва фирмалар учун 1,7 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар берилди. Бундан ташқари республикамизнинг турли бурчакларида фаолият юритаётган 9630 та фермер хўжаликларига пахта ва ғалла етиштириш учун жами 76,5 миллиард сўм миқдоридаги имтиёзли кредитлар ажратилди. Лизинг асосида фермерларга турли русумли қишлоқ хўжалик техникалари етказиб бериш учун эса 7,9 миллиард сўм миқдоридаги пул маблағлари йўналтирилди.

Бугун қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш, маҳсулот етиштирувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қўшимча иш ўринларини яратиш Юртбошимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Президентимиз Бухоро, Қашқадарё ва бошқа вилоятларга ташриф буюрганларида, фермерлару чорвадорлар билан учрашганларида аҳоли турмуш даражасини янада ошириш масаласига алоҳида тўхталдилар. Чорвачиликни ривожлантириш наслчиликни яхшилашга боғлиқ эканлигини ҳам таъкидладилар. Бу йўл-йўриқларга таянган ҳолда айни чоғда банкнинг ҳар бир бўлими чорва наслини яхшилашга интилаётган мулкдорларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ чорвачиликни ривожлантириш учун ўтган ярим йил давомида 4951 нафар фуқарога 4,2 миллиард сўм миқдоридаги микрокредитлар ажратилди.

Мамлакатимиз истиқболи, келажаги эгалари саналган ёш оилаларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида ҳам банк жамоаси фаоллик кўрсатиб келмоқда. Шу боис 2789 нафар ёш оилага 10,1 миллиард сўм, шу жумладан 346 нафар оилага 4,9 миллиард сўм ипотека, 1183 нафар оилага 3,4 миллиард сўмлик истеъмол кредитлари ва 1260 нафар оилага 1,7 миллиард сўмдан ортиқ микрокредитлар берилди.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, аҳолининг «Халқ банки»га бўлган ишончи сезиларли даражада ортган. Одамлар ўзларининг ортиқча маблағларини банк депозитларига қўя бошладилар. Натижада банкнинг ресурс базаси йил бошига нисбатан 113,2 миллиард сўмга, жисмоний шахслар депозитлари 49,5 миллиард сўмга ортди. Йил бошидан буён аҳолига қўшимча равишда 8 та янги омонат турлари таклиф этилди ва бу омонатларга 50 миллиард сўм жалб этилди. Бундан ташқари янги омонат турларини ташкил этиш билан биргаликда, мавжуд омонат турларининг шартлари мижозлар учун мақбул ва манфаатли шартларга алмаштирилди. Пировардида жорий йилнинг 20 февралидан бошлаб аҳоли маблағларини омонатларга жалб этиш суръатлари 104 фоизга ортди. Шу қисқа вақт оралиғида эса аҳоли томонидан 55 миллиард сўмдан ортиқ маблағ банк депозитларига қўйилди.

Аҳолининг «Халқ банки»га бўлган ишончи ортиб боргани сари банкнинг иқтисодий қудрати, тўлов қобилияти ҳам шунга яраша кучайиб бормоқда. Шу боис Президентимизнинг 2005 йил 5 августдаги «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги қарорига кўра банк ўз мижозларининг нақд пулдаги талабларини уларнинг биринчи мурожаатидаёқ таъминлаб келмоқда.

Маълумки, миллий валюта қадр-қимматини кўтариш, пул муомаласини замонавий тарзда амалга ошириш пластик карточкалардан нечоғли фойдалана олишга боғлиқ. Банк жамоаси бу борада ҳам Президент ва ҳукуматимиз қарорларига таянган ҳолда тезкорлик билан иш юритмоқда. Айни чоғда мини-банклар 236 тага, махсус кассалар 326 тага, пластик карточкалар 134 минг 716 тага, терминаллар 1292 тага етказилди. Иш ҳақи ва бошқа тўловларни амалга ошириш да пластик карточкалардан фойдаланиш қулайлигини кўпчилик тушуниб етаяпти. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, пластик карточканинг афзаллигига қаратилган тарғибот ва ташвиқот ишлари ҳам яхши самара бераяпти. Йил якунига қадар худди шу тарзда тўловларни амалга оширувчилар икки карра ошиши кўзда тутилган.

Бугун мамлакатимиз банк молия тизими замонавий тарзда хориж тажрибаси ва технологияларини ўзлаштирган ҳолда катталар тажрибаси, ёш истеъдодли мутахассисларнинг ғайратига суянган ҳолда такомиллашиб бормоқда. Банклар ўртасидаги соғлом рақобат эса ютуқлар омили бўлиб хизмат қилмоқда. Мижоз манфаати, унинг интилишлари, янгиликка ташналиги банк ходимларини ўқиб ўрганиш, янгича тамойиллар асосида ишлашга ундаётгани ҳам бор гап. Бу саъй-ҳаракатлар самараси туфайли «Халқ банки»нинг Германия Халқаро ҳамкорлик бўйича Жамғарма кассалари Фонди билан биргаликдаги ҳамкорлиги ўз самарасини бермоқда. Банкнинг асосий мақсади — рақобатдан чўчимай, тўхтовсиз изланиш, малака ошириш, банк хизмат турларини доимий равишда кенгайтириб боришдан иборат. Ана шунда ютуқлар янада кўпаяди, ишонч ошиб боради.



Суратда: «Халқ банки» иштирокида пойтахтнинг Чилонзор туманида ёш оилалар учун бунёд этилаётган кўп қаватли бино.

«Халқ банки» Матбуот хизмати.

Ифтихор

ЎЗБЕКИСТОН — БУ МЕНИНГ ВАТАНИМ!

...Ҳали-ҳали болалик хотирамда муҳрланиб қолган бир гўзал манзарани эслайман. Уйимизнинг тўрида онам ўз қўллари билан тиккан каттакон кашта осиғлиқ турар ва ундаги жуда оддий ҳолатлар акс этган манзаралар мени ўзига оҳанрабодай мафтун қиларди. Уларда турли шаклларда тўқилган, миллий каштачиликка хос бўлган усуллар ва ниҳоят, халқимизнинг қадим урф-одатлари ўз аксини топганлиги ҳар қандай кишини ҳайратга солиши табиий эди. Ўзимча оддий қишлоқнинг мўъжазгина уйчасида ғаройиб бир дунёни кашф этгандай синфдош дугоналаримга мақтаниб ҳам қўярдим: «Менинг онам тиккан кашталарда юртимнинг суратлари бор...»

Улар ҳам бўш келмай эртаси куниёқ уйларидаги энг чиройли тикилган кашталарни олиб келиб мақтанишарди. Бу манзараларни бирма-бир тасвирлаш осонмас. Уларда оналаримиз ўзлари орзу қилган чин муҳаббат, тоғлар бағридаги қишлоғимиз кўринишлари, кекса чол-кампирларнинг нуроний сиймолари, хуллас, ҳамма-ҳамма рамзлар чизиб, тикилган эди. Энди ўйлаб кўрсам, ана шу бетакрор расмлару шакллар орқали мунис оналаримиз бизнинг мурғак қалбимизга ўзлари сезмаган ҳолатда Ватан суратини муҳрлаб қўйишган экан...

Бугун ўзим талабаман. Хорижий тиллардан бирини мукаммал эгалламоқ учун тинмай изланяпман. Қишлоғимга борсам, кекса момоларим ҳайратланиб сўзлашади: «Қизим, бизлар умримиз бўйи шу гўшадан нарини кўрмадик. Сенларга худо берди, энди истаган ўқишингга ўқийсан, қаерга бораман десанглар йўллар очиқ. Бир замонлар биронта китоб қўлимизга тушиб қолса, ким ўқиб бераркин, деб ўтирардик, тил билишни-ку қўявер. Шундай замондан айланай, болам, ўқинглар, дунё кўринглар!»

Момоларим айтаётган ушбу самимий эътирофлар замирида ҳам оддий бир ҳақиқат бор. У ҳам бўлса, шу тупроқнинг, шу юртнинг, шу озод ва обод Ватаннинг бахти, иқболи бутун эканлигига шукроналик бор. Бундай самимий, ёруғ ниятлар бугун мамлакатимизда яшаётган ҳар бир соғлом фикрли инсонлар юрагида илдиз отаётир.

Шу ўринда Юртбошимизнинг «бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир» дея биз ёшларга катта ишонч билдириб айтган сўзларини юрагимизга муҳрлаб, турли соҳалар бўйича олаётган билим ва сабоқларимизни мустаҳкамлаб, бу юксак эътибор ва ғамхўрликка муносиб бўлмоққа интилмоғимиз керак. Чунки мамлакатимиз таълим тизимида давом этаётган катта ислоҳотлар аллақачон ўз меваларини бера бошлаганини кўриб турибмиз. Деярли ҳар куни дунёнинг турли бурчакларидан ўзбекистонлик ёшларнинг ҳар хил соҳаларда эришаётган улкан муваффақиятлари ҳақида эшитяпмиз. Бундан қувонмай бўладими? Буларнинг бари шу озод Ватан бағрида улғайиб, камол топаётган тенгдошларимга яхши ўқишлари, тарбия топишлари учун ҳар томонлама чексиз имконият ва шарт-шароитлар яратиб берилаётгани ҳосиласидир. Бу эса ўз навбатида бизларга ҳам жуда катта масъулият ва вазифалар юклайди. Негаки, айнан мустақиллик йилларида шаклланган янгича дунёқараш, янгича фикрлаш тенгдошларим онгига, руҳиятига Ватанга садоқат, миллий қадрият ва анъаналарга муҳаббат туйғуларини сингдирмоқда.

Зеро, нафақат тилда, балки чин дилдан «Мен Ўзбекистон фарзандиман, бу - менинг Ватаним, шу замин, шу тупроқ барчамизники, унга содиқ бўлмоқлик энг шарафли бурчимиздир!» дея фахру ифтихорга тўлиб баралла айтмоққа ҳар биримиз бурчлимиз. Бу эса ўз истиқлолининг ўн етти йиллик улуғ тўйига ҳозирлик кўраётган мамлакатимиз ёшларининг дилида туғён ураётган энг ёруғ ниятлардир.

Гавҳар РАСУЛОВА,
Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти талабаси.

Ватан манзаралари

АСРЛАР АРДОҒИДАГИ ҚЎШ ЧИНОР

улардан бири Алпомиш, иккинчиси Барчиной уйи деб аталади

Бойсун — қадимий ва навқирон гўша. Маконнинг тоғ этакларида палеолит давридаёқ аҳоли яшаганлиги ҳақида маълумотлар бор. Туманнинг шимоли-ғарбида жойлашган Тешиктош ғоридан топилган бебаҳо топилмалар бугунги кунда ҳам кўпчиликни ҳайратга солмоқда. Қадимги манбаларда ёзилишича, бу жойларда Пойтўрғон, Қозимуллатепа, Дарбанд, Мунчоқтепа каби қудратли қалъа-шаҳарлар бўлган экан. Тешиктош, Мачай, Сулувкамар ва бошқа ғор ҳамда манзилларда одамлар яшаганлигини тасдиқловчи далиллар топилган.

Ўзига хос мўътадил табиати, бетакрор ҳайвонот дунёси ҳамда ажойиб наботот оламига эга бўлган Басанд мустақиллик шарофати билан янада чирой очди. Кент улкан бунёдкорликлар марказига айланди. Айниқса, «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» янги темир йўлининг фойдаланишга топширилиши асрлар давомида қилинган орзуларнинг рўёби бўлди. Бир сўз билан айтганда, барча соҳаларда кенг имкониятлар эшиги очилди.

Туманнинг ғарбида қадимдан машҳур Сайроб қишлоғи жойлашган. Ушбу гузардаги икки улкан чинор нафақат юртдошларимизни, балки узоқ-яқиндан келган сайёҳларни ҳам ҳайратга солиб келмоқда. Асрлар гувоҳига айланган қўш чинорнинг ҳар бири тахминларга кўра, 900 ёшда экан. Уларнинг баландлиги 26-30 метр келади. Турли тарафга ёйилиб кетган шохларнинг диаметри — 25 метрга яқин. Таналарининг илдизи бўйича параметри 15 метрдан зиёдлиги аниқланган. Энг қизиғи, эгизак чинорларда бир хил коваклар мужассамлашган. Маҳаллий аҳоли улардан бирини «Алпомиш уйи», иккинчисини эса «Барчиной уйи», деб атайди. Дарахтлар айланасига 6-7 кишининг қулочи аранг етади...

— Бир вақтлар бу ерлар ташландиқ жой эди, — дейди Аҳатхон бобо Усмонов. — Янги замон шарофати билан Сайроб ҳам мустақиллик эпкинидан нафас ола бошлади. Бобо чинорлар давлат ҳимоясига олинди. Табиат ажойиботини кўз қорачиғидек авайлаб-асраб келаяпмиз.

Кўриб турганингиздек, чинорларда ўзига хос ўхшашлик — бир хилдаги табиий коваклар бор. Ер сатҳидан ҳисоблаганда, уларнинг баландлиги 3,5 метр келади. Ковак ичидан эса 10-12 метрдан ортиқ. Қадимда ушбу ковакларда илму толиблар билим олишган. Ўз даврида қишлоқ кенгаши ҳам фаолият кўрсатган. 1932-1934 йилларда эса кутубхона вазифасини бажарган.

Қайта таъмирланган уйлар мўъжаз музейга айлантирилганлиги қувонарлидир. Мардлик, жасорат йўғрилган Алпомиш бобо маконидан иш қуроллари, кўза, кувшинлар ўрин олган бўлса, Барчиной момомиз уйида эса ранг-баранг зардўзлик буюмлари, турфа ифорли гуллар, кўзларни қамаштиргувчи тақинчоқлар бор...

— Боҳаво маскандаги азим дарахтлардан ҳайратга тушдим, — дейди ҳиндистонлик сайёҳ Сингх жаноблари. — Бундан қадим аждодларнинг руҳлари шод бўлса, авлодлар улардан ўрнак олишлари муқаррар. Ер устидаги бетакрор музейга ёшларнинг қизиқиб келаётгани мени янада қувонтирди. Соҳибжамол ва мард келин-куёвларнинг илк қадамлари шу ерни зиёрат қилишдан бошланар экан. Бунда ҳам ўзига хослик, аждодларга ҳурмат яққол кўриниб турибди. Хулоса қилиб айтганда, Бойсун қадим маданият бешикларидан бўлса, улкан ва азим чинорлар унинг чин маънодаги гавҳаридир...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

2008 йил – Ёшлар йили

ИМКОНИЯТЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Мамлакатимизнинг барча олий таълим муассасалари битирувчиларини ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш масаласига ҳукуматимиз тобора катта эътибор қаратмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисида»ги Низомининг тасдиқланиши давлат гранти асосида таҳсил олган ва ўқишни муваффақиятли битирган ёш мутахассисларни 2005-2006 ўқув йилидан бошлаб иш жойларига тақсимлаш бўйича самарали ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу низомга мувофиқ ишга тақсимланган битирувчиларга иш берувчи томонидан меҳнат қилиш учун шарт-шароитларнинг яратилиши, уй-жой ва ижтимоий таъминланиши чоралари кўрилади.

Мана бир неча йилдирки, Тошкент давлат юридик институти ушбу масалада барча вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Айниқса, Ички ишлар вазирлиги билан самарали ҳамкорлик ўрнатилган.

Куни кеча Тошкент давлат юридик институтида ички ишлар идораларида ишлаш истагини билдирган битирувчилар билан давра суҳбати ўтказилди. Ички ишлар вазирлиги тизимига 2007 йилда 30 дан зиёд ёш ҳуқуқшунос кадрлар ишга қабул қилинган бўлса, жорий йилда бу тизимда ишлаш учун мурожаат қилганлар сони 120 нафардан ошиб кетди. Йилдан йилга бу кўрсаткичнинг ошиб бориши ёшларга яратилаётган имтиёзларнинг амалий натижасидир.

Рустам ШАРИПОВ,
Тошкент давлат юридик институти проректори, доцент

СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАРКАЗИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Булунғур туман Кенгаши қошида фаолият кўрсатаётган соғломлаштириш маркази доимо ўқувчи-ёшлар билан гавжум. Бу ерда ташкил этилган спорт секциялари аниқ режа асосида иш юритиб, ўқувчиларнинг ёзги таътилини мароқли ўтказишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Эркин, белбоғли кураш ҳамда стол тенниси бўйича мусобақалар ўтказилаётир.

— Яқинда ўқувчи-ёшлар ўртасида эркин кураш бўйича республика турнири ўтказилди, — дейди марказ директори Бердиёр Туропов. — Унда мамлакатимиздаги барча вилоятлардан вакиллар қатнашиб, ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Дарҳақиқат, соғломлаштириш марказида Ёшлар йили муносабати билан мунтазам равишда турли тадбирлар уюштирилмоқда. Айниқса, мустақиллигимизнинг 17 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган спорт беллашувлари кўпчиликка манзур бўлаётир. Элёр Эргашев, Жаҳонгир Баҳриддинов сингари ёш курашчилар ғолиблар сафидан жой олди. Мусобақа ғолиблари ЎзХДП туман кенгаши мукофотлари билан тақдирланишди.

Мамадали ЖАЛИЛОВ,
Самарқанд вилояти.

Футбол

«СЕВИНЧ»НИНГ СЕВИНЧЛАРИ

бизнинг ҳам шодлик ва қувончимиз

Нега дейсизми? Ахир, нафақат юртимизда, балки халқаро мусобақаларда ватанимиз байроғини баланд кўтарган футболчи қизларимиз билан фахрланмай бўладими? Келинг, бармоғимизни саноқ учун очайлик. Жамоа футбол бўйича икки, мини футбол бўйича тўрт карра мамлакат чемпиони. Соҳил футболи биринчилигининг ғолиби. 2005 йилда Осиё чемпиони бўлган терма жамоамизнинг тўқсон фоизи «Севинч» қизлари эди. 2008 йилги мамлакат чемпионатининг етакчиси ҳам улар...

Футбол клуби ҳомийси — «Шўртангазкимё» мажмуи қизларни Шаҳрисабздаги «Лочин»дам олиш оромгоҳида ҳордиқ чиқаришга таклиф қилган экан. Футболчи қизлар оромгоҳнинг энг шинам биноларидан бирига жойлашибди. Бундан ташқари, улар «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташкил этган «Келажак овози — 2006» ўқув машғулотларининг спорт йўналишида ҳам иштирок этишмоқда.

— Аввал ўзим ҳақимда гапирай, — дейди жамоа ҳимоячиси Луиза Тошметова, — футболга болаликдан меҳрим тушган, шунинг учун «Севинч» сафига қўшилдим. Аммо ғолиблик бизга осон бўлмаган. Машқ, меҳнат ва жамоадаги ҳамжиҳатлик муҳити ғалабаларимизни таъминлаган, деб айта оламан. Ҳар бир қизнинг ўз орзуси бор. Ҳозир Тошкент давлат жисмоний тарбия институтида таҳсил олаяпман. Келгусида спорт мураббийи бўлмоқчиман. Ҳали ёш бўлсамда, ҳаётимда унутилмас воқеалар бўлган. Қаршидаги ўйингоҳимизда Президентимиз билан бўлган учрашув, у кишининг ҳар биримиз билан кўришиб, самимий мулоқот ўтказганлари бир умр ёдимда сақланади. Дўстларимга, уйимдагиларга у кишига «Мамлакатимиз байроғини мусобақаларда баланд кўтариш ҳар биримизнинг муқаддас орзуимиз» деганимни айтиб бердим. Ниҳоятда ҳаяжонлангандим ўшанда.

— Мен ҳам жисмоний тарбия институтида ўқияпман, — дейди Шаҳноза Шукурова. — Дадам футболчи бўлишимга рози бўлдилар. Луизага ўхшаб, мен ҳам шу куни жуда ҳаяжонландим. Юртбошимиз бизлар билан чин дилдан суҳбатлашиб, ўз маслаҳатларини айтдилар. Бу ишончни насиб этса, оқлаймиз.

— Мен энди ўн олтига тўлдим, — суҳбатга аралашади Камола Рисқиева. — Юртбошимиз биринчи бўлиб мен билан кўришдилар. Биласизми, бундай учрашувни ҳеч кутмаган эдим... Бизга соғлиқ-омад тилаганларидан роса ғурурландим. Сўнгра зиммамизга катта масъулият юкланганини ҳис этдим. Ҳали кўп машқ қилишим, маҳоратимни оширишим кераклигини англадим.

— Мана, қизларимиз билан суҳбатлашдингиз, — дейди жамоа бош мураббийси Владислав Никонович Хан. — Очиғи, Президентимиз билан учрашув жамоамизнинг руҳини кўтариб юборди. У киши ишларимиз, келгуси режаларимиз, бўлғуси футболчиларни тарбиялаш ҳақида ўз йўл-йўриқларини айтдилар. Ростини айтсам, шу учрашувдан кейин босиб ўтган йўлимизни фахр билан бир-бир эсга олдим. Ахир, бундан беш йил бурун «Севинч» футбол клуби ташкил топганда, бир қанча кучли футбол жамоалари яшил майдонларда ғолибона тўп суришарди. Уларга бас келиш осонмиди? Не бахтки, бас келдик. Бугун жамоамизни хорижда ҳам билишади. Спортда ўринбосарлар масаласи ниҳоятда муҳим. Ҳозир «Севинч-2» жамоаси ижобий натижаларга эришаяпти. Бундан ташқари ўйингоҳимизда 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган 60 нафар бўлажак футболчи қизлар машғулотларга қатнашмоқда. Улар келажагимиз...

Ҳа, бу жамоа ўз ғалабалари, ажойиб ўйинлари билан барчани севинтираяпти. Мухлислар дилидан жой олаётгани ҳам ҳақиқат. Келажакда «Севинч» ўзининг янада ёрқин ғалабалари билан халқимизни қувонтиришига ишончимиз комил.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: футболчи қизлар (чапдан ўнгга) Луиза Тошметова, Камола Рисқиева, Шаҳноза Шукурова.

Мақсуд ҲАМРОЕВ олган сурат.

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТАМОЖЕННЫЙ КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

объявляет конкурс торга на приобретение нижеперечисленных предметов форменного обмундирования:

1. Шапка-ушанка каракулевая.
2. Майка трикотажная х/б.
3. Футболка трикотажная х/б.
4. Белье нательное х/б.
5. Белье теплое.
6. Трусы трикотажные х/б.
7. Полотенце банное.
8. Полотенце вафельное.
9. Ремни брючные.
10. Простыни х/б.
11. Пододеяльники х/б.
12. Наволочки подушечные.
13. Одеяло теплое.
14. Покрывало.
15. Погоны курсантские.
16. Фурнитура (металлический уголок, звездочки маленькие, большие металлические, эмблема «Меркурий», пуговицы металлические, кокарда).
17. Нарукавные знаки (шеврон, курсовки, филигранный ремешок).
18. Матрас для курсантов.
19. Подушки для курсантов.
20. Широкий кожанный ремень с бляхой (курсантский).

Срок подачи документов в течении 20 дней со дня выхода объявления.

Для получения дополнительной информации обращаться по телефонам: 120-76-00 (внутренний 26-15, 34-60)

Адрес: 100003, г.Ташкент, пр. Узбекистанский, 3.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 649
8078 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.25
Topshirilgan vaqti — 01.55
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda